# Кўклам камалаги

Публицистика

Қуёш ниҳоят шўх нигоҳ отиб, жилмайди. Унинг кулгиси қорларга оловдек санчилди. Қишнинг бағрида ётган сўнгги қорлар ҳам эриб, ер бағрига сингиб кетди.

— Хайр энди, — хўрсинди Қиш, — мен кетар бўлдим.

— Хайр, — Қиш кўрпасини улоқтириб, қуёшнинг илиқ нурларида тобланаётган Она замин бир тўлғониб қўйди.

У эшикни ёпиши билан ипакдек гулгун сочларини тараб Баҳор кириб келди.

— Салом, Онажон! — деди у хиромон товланиб.

— Салом гулим, сумбулим! — Она Ернинг бағрига илиқлик югура бошлади.

Баҳор курран замин узра айланиб, оламга яшиллик, гўзаллик сочиб юборди. Ариқ лабларида, бўғотларда майсалар ниш ура бошлади. Дарахтларда ҳам куртаклар бўрта бошлади. Қуёш нурлари қитиқлагани сари, улар яйраб-яшнаб борарди.

Эрта саҳарда ҳовлига чиққан қизалоқ оламдаги ўзгаришлардан ҳайратланди. Жажжи қўлчалари билан кўзларини уқалади. Алпон-талпон юриб ариқча лабига борди. Во ажабо, кечагина қор босган ерларда бугун мўъжиза рўй берибди: беҳолгина кўкатлар униб чиқибди. Гуллари ҳам бор.

— Ойи! — ҳовлиқди қизча, — манавуни қаранг. Ғалати гул экан, ранги снёҳга ўхшайди.

Қизининг кўнглига қараб она ҳам ариқча лабига келди.

— Бинафша бу! — кулди ойиси, — баҳор келганидан дарак берадиган гул бу.

— Баҳор қачон келибди? Нега у кўринмайди? — бидирлади қизча.

— Нима бўлибди? — ичкаридан бувиси чиқиб қолди. Олам чароғонлигидан дили равшан тортиб ғудранди. — Қаттиқ қишдан ёруғ жаҳонга чиқибмиз-а, хайрият. Энди олди ёз, пишиқчилик.

— Буви-чи, буви, баҳор келибди, гул экибди ариқ лабига.

Бувининг кўзларига учқун инди.

— Қани?

Қизча панжасини ёзди. Унинг кафтида нозиккина гул хиёл эзғиланиб ётарди. Буви гулни олди, димоғига тутди. Кейин кўзларига суртди.

— Омон етказганига шукур. Ўлмаган қул кўраверар экан, мана саксон биринчи марта кўклам билан кўришдим.

— Ҳовлимизга саксон бир марта баҳор келганми? — ҳайрон бўлди қизча. — Мен бўлсам бир марта ҳам кўрмадим.

Буви энди неварасининг гапларини эшитмасди. Ўз хаёллари, ўз ўйлари билан андармон бўлиб кетганди.

Эсида, бир баҳор оқшоми унинг тўйи бўлганди. Раҳматлик чолини ўшанда чимилдиқда кўриб, юраги «шиғ» этганди. Чоли то ўлгунича уни «Баҳорим» деб алқади. У бўлса чолини қаҳри қаттиқ бўлгани учун «Қаҳратон» деб атарди.

Мана қаҳратон қиш ҳам ўтиб кетди, Баҳор келди. Буви чоли қиш қори сингари эриб кетгани, ўзи баҳор бўлиб қолганини кўз олдига келтирди. Фавқулодда бу ўхшатишдан унинг ўпкаси тўлди. Оппоқ дока рўмолининг учи билан кўзларини артди.

— Эсиз чолим! — лаблари пичирлади. — Кечиринг мени, бу баҳорни сизсиз қаршиладим.

Теварак-атрофда баҳор тўйи авжига чиқмоқда эди. Ариқлар лабидан болаларнинг шодон кулгулари бараллa эшитиларди.

— Ялпиз!

— Вуй кўплигини!

— Варрагимни қара! Ҳамманикидан баланд!

Хуллас, кексаю ёш баҳор пойқадамидан хурсанд, бахтиёр.

Шамоллар шовуллайди, сувлар айқиради, қуёш чарақлайди. Бир зумда ҳавони булут қоплайди. Қарс-қурс чақмоқ чақади, момақалдироқ гулдураб қолади. Кўкдан зумрад томчилар ёғила бошлайди.

БУ — БАҲОР!

Бўғотларда мусичалар қўшиғи бошланади. Қалдирғочлар вижир-вижири яна хушнуд авжига чиқади. Қушлар парвози, табиат нозини кўриб бир олам илҳом, завқ олади киши!

БУ — БАҲОР!

Ёмғир тинадию йилт этиб қуёш кулади. Марварид томчилар узра, ердан кўкка қадар турфа ранглар жилва қилади. Болалар шод!

— Ур-ре! Камалак! Мен биринчи кўрдим!

— Рангларидан ўргилай! — буви ҳам қўлларини пешонасига қўйиб кўкка тикилади. Боягина «чолдан нега ажраб қолдим» деб надомат чекаётган озурда жоннинг энди яшагиси келади!

— Камалак кўрганнинг умри узоқ бўлади! — шивирлайди ўзича!

БУ — БАҲОР!

Оламга боқасизу дилингизга зумрад томчилар ила шеър қуюлади.

— Нега, шамол еласан шодон,
Шилдирайсан ўйноқлаб анҳор?
— Севинмайин нечун эй ўғлон,
Баҳор келди ахир, гулбаҳор!
— Еру осмон қадар яшариш
Бахш этдингми эй фасли кўклам?
— Мен рангларни топдим шу ердан,
Минг баҳорга маконку ўлканг!
Азиз ҳамшаҳрим!

Баҳорга пешвоз чиқ! Баҳорни бағрингга бос. Токи кўклам камалаги қўлингдаги гулларда товлансин. Токи баҳор нашидаси юрагингдаги эзгу-армонларингни ушатсин. Ям-яшил орзуларинг бағрида эртанги кун режасини туз!

Ахир баҳор сени деб келган!
Ахир баҳор мени деб келган!
Баҳоринг хуш бўлғай, азиз ҳамшаҳрим!

Темур УБАЙДУЛЛО.



Гул-лолалар — табиатнинг раъноси,
Ой чеҳралар — ҳаётимиз Лайлоси.

## Баҳор остонасидаги ўйлар

«Она орзусидан, воз кечма, бирдан!»,
Деган садо келди само-ю, ердан.
Насибам унгувчи шу лалми қирдек,
Бахт тўла элимдан айирма мени.
Гўдаклигим кечган қадам бешикдан
Болалигим кўчган ҳовли, эшикдан
Ўсмирлик завқи-ю, йигитлик бешак —
Нур тўла йўлимдан айирма мени.
Менга замин каби қиммат замонам,
Хом, лек оқ сут берган муштипар онам,
Содиқ дўст, юртимдан ҳамда ҳамхонам,
Томоша-тўйимдан айирма мени.
Элга керак куйчи, шоиру бахши.
Раҳбар халқ ичида бўлса кўп яхши.
Умид, ниятларим доим эрур шу,
Орзу ва ўйимдан айирма мени.
Одам жойи бўлмас асло хилватлар,
Меҳрин йўқотмасин асло миллатлар,
Адоватдан узоқ бўлсин элатлар —
Баҳорим, ўйимдан айирма мени!

Тоҳир МАМАТҚУЛОВ.

# Ток пайрови

(Қатнашадилар: Абдулмахсум ҚОЗОҚОВ, Ҳасанбой СУЛТОНОВ, Насрулла АЛИЕВ).

**МАХСУМАКА.** Баҳор ҳам ўз сепини ёябошлади. Ҳаммаёқ кўм-кўк, дарахтлар ва токлар яшил барг чиқарди. Мана бу (Ҳасанбойни кўрсатиб) эрта пишар ток тез кунда **Гуллаб ҳам қўяди.**

**НАСРУЛЛА.** Махсум ака, Ҳасанбой эрта пишар ток бўлса,**Чиллаки** экан-да.

**ҲАСАНБОЙ.** Насрулла ака, биласизми, Махсум акам ҳам жуда яхши токлардан — у **Катта қўрғон.**

**НАСРУЛЛА.** Махсум ака, Ҳасанбой шогирдингиз бўлса ҳам, унга бир оз эҳтиёт бўлиб ишлов беринг, гоҳо шошма-шошарлик қилиб қўйиши ҳам мумкин, ахир у **Қора калтак-ку!**

**МАХСУМАКА.** Тўғри айтасиз, Насрулла, унинг ўзи аслида **Ҳасайни.**

**ҲАСАНБОЙ.** Сўзларингизга эътибор берсам, иккалангиз ҳам бир ердан чиқаяпсиз, **ЖЎРА узум** эмасмисизлар?

**НАСРУЛЛА.** Махсум ака, Ҳасанбойни кўряпсизми, ҳатто шу кунларда ҳам ўзини дарахт панасига олаяпти — **Соякига** ўхшайди.

**МАХСУМАКА.** Жамики ўсимликлар қуёшга интилади. Ҳасанбой эса қуёш нуридан ўзини четга олади, шунинг учун-да, у **Нимранг.**

**НАСРУЛЛА.** Махсум ака, сиз Ҳасанбойдан ҳафа бўлманг, у бир **Тоифи-да.**

**ҲАСАНБОЙ.** Мен ҳам бир токзор яратай деб, яхши ният билан сизларни келтириб ўтказган эдим, бўлмади, уруғсиз экансизлар — **Қора кишмиш.**

**МАХСУМАКА.** Насрулла, ҳозир халқимиз ичкиликсиз яшаш тарзига ўтган бир вақтда, Ҳасанбойни кўряпсизми, ҳа деб ўзини кўз-кўз қилмоқда — **Мускатман** деб.

**НАСРУЛЛА.** Махсум ака, Ҳасанбой винобоп узумман деяптими, аттанг, борди-ю коньякбоп бўлганида **Баянширей** бўлармиди...

**ҲАСАНБОЙ.** Махсум ака, гоҳо токзорлар ҳосилини Иттифоқимизнинг бошқа шаҳарларига ҳам юборишга тўғри келади-а? Бу мақсад учун Насрулла акам мос нав — **Даройи.**

**НАСРУЛЛА.** Махсум ака, тўғри, мени бошқа шаҳарларга тотли узум сифатида жўнатишингиз мумкин, аммо ўзингиз биласиз, узоқ ерга юбориш дегандай... Шунинг учун, борди-ю зарар кўрмай десангиз **Ҳасанбой**ни қуритингда, майиз тайёрлаб, **Султоний** деб жўнатаверинг.

**МАХСУМАКА.** Насрулла, таклифингизга қўшилмоқчиман-ку, аммо бир оз ўйланиб қолаяпман, чунки унинг турган-битгани **Қора жанжал-ку!**

**ҲАСАНБОЙ.** Агар узумни ватанимизнинг шимолий ўлкаларига юборадиган бўлсанглар, ўрта муддатда пишадиган узумни мана шу (Махсум акага ишора қилиб) **Ризамат** отани жўнатинглар.

**МАХСУМАКА.** Ҳасанбой, эшитишимча, сиз тоғли ерларда ҳам узумзорлар яратмоқчи эмишсиз. Агар шу гап рост бўлса, мана бу навни (Насруллани кўрсатади) экинг, у — **Паркати.**

**НАСРУЛЛА.** Махсум ака, Ҳасанбойга узумчиликдаги бор тажрибаларингизни ўргатаяпсиз. Агар яхши уқиб олса, катта ҳосил етилса, **Бир замбил** бўларкан-да.

# Эзгулик

Қатра

Мусаффо Баҳор кунларида у дунёга келмоқчи бўлди. Эндигина ёруғ оламга юз тутмоқчи бўлганида йўлини харсанг тош билан тўсмоқчи бўлдилар. Қийналди, қайрилди, бироқ мақсад йўлидан қайтмади. Чидам, матонат билан тошни тешиб чиқди. Қуёшдан мадад сўраб, унга қараб интилди. Барча ҳавас билан боқарди унга. Инсонлар эзгуликка яқинлашишга интилардилар.

...Рашк қилдилар, эзиб-янчиб ташламоқчи бўлдилар. Шамол ғаразли ният билан бел боғлаб ҳужумга ўтди. Таг-томири билан қўпориб ташламоқ қасдида шунақаям хуружлар қилдики! Бўлмади, ниятига эриша олмади. Она ер ва Қуёш меҳрибонлигида теран илдиз отиб, белини бақувват қиларди.

«Ҳа, сеними, шошмай тур!» Энди уни чўллатиб қақратмоқчи, шу йўл билан маҳв этишни ўйладилар. Сувсизликдан танасида дармон қолмади. Сарғайди. Бир орзу — инсонлар билан бирга бўлиш унга нажот бағишлади.

Сўнгра гармселлар ҳужум бошлади... «Нима, битта сени йўқотиш шунча қийинми? Эзаман, янчаман, сўлиб қоласан!!!»

Йўқ, эзгулик сўлмади. Табиатнинг салқин шаббодалари, роҳатбахш зарра-зарра шабнамлар эзгуликка куч-мадор бағишлади.

«Ҳали кимлигимни кўрсатиб қўяй сенга» — қиличини қайраб эзгуликка ҳужум бошлади қирчиллама Қиш. «Ана сенга, мана сенга» — қаттиқ аёзларни, оламни музлатувчи қаҳратон совуқни ҳужумга юборди. Ҳолсизланиб, мадорсизланиб қолган эзгулик бошига қор, бўрон, тўфон, довуллар ёғдирилди. «Ҳа, ҳа, ҳа... ҳолинг қалай? Яшашни сенга ким қўйибди», —заҳарханда қиларди Қиш».

...Табиатнинг ўз қонуни бор. Фаслларнинг ўзгариб туриши табиий ҳол. Эҳтимол Эзгуликни, Ҳақиқатни йўқотувчи куч ҳам бўлмаса керак. Чунки ҳаётда ёмонлик яшар экан, Эзгулик, Яхшилик ҳам бўлиши шарт!

Яна Баҳор бошланди... Эзгулик барча синовлардан ўтиб бўлганда Навбаҳорнинг ҳаётбахш илиқ нафасидан қайта жонланди. Ҳадемай эзгулик дарахти томирларидан, уруғидан униб-ўсиб, кўпайиб каттакон эзгулик гулшани, бўстонига айланади. Чунки уни икки буюк доя — Ер ва Қуёш ўз муҳофазасига олган. Ер юзида Инсон яшаркан. Эзгулик ҳам у билан ёнма-ён. Ҳаёт қонуни бу.

Эзгуликни йўқотмоқчи бўлганлар эндиликда худди ёруғликдан қочаётган кўршапалакдай ўзларини қоронғуликка оляптилар... Ҳа, Эзгуликни йўқотиб бўлмайди.

Баҳордай боқий яшайди. Хўш, қаёққа қочяпсизлар Эзгулик рақиблари? Қочмасдан иложингиз ҳам йўқ-да!

...Мен қайта қуриш жараёнларида шу курашни кўряпман.

Бобоқул МАНСУРОВ.

## Бу—қизиқ!

ШАМ ДАРАХТИ

Марказий Американинг Панама канали районида ғалати бир дарахт ўсади. Бу дарахт мевасининг шакли шамни эслатади, ўзи ҳам шам вазифасини бажаради. Мевасининг таркибида ёғ айниқса кўп. Меванинг ўртасини ёриб, орасига пилик қўйилса бас, шам тайёр бўлади.

Маҳаллий аҳоли бу дарахт мевасидан уйларни ёритиш учун шам ўрнида фойдаланади. Шу сабабли ҳам у «Шам дарахт» номи билан машҳур. Бу табиий шам 3 соатдан 5 соатгача хонани бемалол ёритиб туради. Оддий шамлардан фарқи ва яхшилиги—ёнганда ис чиқармайди.

КАКТУС — СЕВИМЛИ ТАОМ

Маълумки, кактус манзарали ўсимлик. Аммо бу ўсимлик Мексикада истеъмол қилинадиган анъанавий ўсимликдир. Мамлакат пойтахтидан унча узоқ бўлмаган жойда Малпа Алпа қишлоғи бор. Бу қишлоқнинг атрофи ўн беш квадрат километргача кактуслар билан қопланган.

Ҳар йили маҳаллий аҳоли бу тиканли ўсимликдан тайёрланган овқатларни ейиш бўйича байрам ўтказадилар. Тиканларни олиб ташлаб, кактусни ҳар хил дориворлар, аччиқ қалампир ва саримсоқ қўшиб қайнатадилар, қовурадилар, димлайдилар. Кейинги анъанавий байрамда кактусдан тайёрланган мармелад ҳам намойиш қилинган.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ.



Ватаним гўзал, Чаман,
Мен гулларни қучаман.

Мутахассис маслаҳати

# Шафтоли ниҳоли экинг

Шафтоли бошқа мева турларига нисбатан совуққа чидамсиз бўлади. Шу боис шаҳарнинг об-ҳаво шароитида ниҳолларни асосан февраль ойининг охири ва март ойида ўтказган маъқул. Агар узоқ вақт мевасидан баҳраманд бўлай десангиз эртаги, ўртаги ва кечки навларидан танлаб экиш керак.

Кўчат алоҳида участкаларга ўтқазилганда унумдор тупроқли ерларда қатор ораси 6 метр, туплар ораси эса 4 метр бўлиши зарур. Шунда ҳар бир дарахт 24 квадрат метр озуқа майдонини эгаллайди. Бўш қолган жойда турли хил кўкатлар, сабзавот экинлари етиштириш тавсия этилади.

Томорқа еридан унумли фойдаланиш учун кучли ўсувчи олма кўчатлари орасига барвақт ҳосилга кирадиган шафтоли экиш мақсадга мувофиқдир. Асосий олма дарахти ҳосил берадиган даврда улар олиб ташланади. Шуни унутмаслик керакки, саноат аҳамиятига эга бўлган катта массивларда барпо этиладиган боғлар схемаси қисман бўлса ҳам фарқ қилади.

Шафтолидан юқори ҳосил олиш ва бир йиллик новдалар бунёдга келтириш учун эрта баҳорда илгари пайдо бўлган шохларнинг 30-40 проценти (учки қисмидан) олиб ташланади. Қолганлари эса сийраклаштирилиб, айримлари ток қайчи ёрдамида калта қилинади.

Янги экилган кўчатларни косасимон шаклда ўстириш учун танаси 40 сантиметр қолдирилади. Устки қисми эса новдага тақаб кесиб ташланади. Бу юмуш куртак уйғонмасдан бурун бажарилиши зарур.

Мирвоҳид СОБИРОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

Қатралар

# Кутилмаган сафар

Шарифбой аканикига бирга жанг қилган қуролдош дўстлари Норқул ака билан Одамбой ака кириб келиб ғоят қувонтирди. Қувонтирди-ю, дастурхондаги нозу неъматлардан баҳраманд бўлолмай Шарифбой ака дўстларини ранжитди.

— Бу қанақаси? — деб ажабланди Одамбой ака, — Норқулдан икки ёш, мендан уч ёш кичиксизу елка билан нафас олиб, асо билан қадам босасиз.

— Ҳа, юракнинг мазаси қочди,— деб сўз бошлади Шарифбой ака, — кўзим тиниб, бошим айланадиган бўлиб қолди.

— Қаранг-а! — деди Одамбой ака ачиниб, — шаҳарнинг чанг, тўзон ҳавосида яшайвериб сарғайиб кетибсиз. Бизнинг арчазор, дўланазор, сербулоқ қишлоғимизда йилига бирон ой туриб кетсангиз бўлмайдими? Бўлади-ку. Келиним шўрликни ҳам уй ҳавосига қамаб, димиқтириб юборибсиз. Укангиз Рўзибойни қаранг, юзларидан қон томади. Нима учун? Чунки у асалариларини олиб, тоғма-тоғ, ўтлоқма-ўтлоқ кезиб юради.

— Энди Шарифбойни олиб кетамиз! — деди Норқул ака.

— Қани эди! — деди Шарифбой ака надомат билан,— афсуски, узоққа боролмайман, кўп юролмайман.

— Юрасиз, борасиз!— деди Одамбой ака буйруқ бергандек.

Гапнинг қисқаси, икки ўртоқ қўярда-қўймай Шарифбой акани ҳам, ўғли Олимжонни ҳам кўндиришди. Машинага ўтказиб олиб кетишди. «Қишлоқда бир нарса бўлиб қолсам... Сизларга юк бўлиб...» деб дудуқланди Шарифбой ака йўлда.

— Сиз яхши одамсиз, яхши одам доим ўзига ҳам, ўзгага ҳам яхши ниятда бўлади. Сиз бўлсангиз, «ўламан, қоламан»дан бошқасини билмайдиган бўлиб қолибсиз. Қўрқманг, бир ойдан кейин соғ-саломат келтириб қўямиз. Балки ўшанда биздан хурсанд бўларсиз.

— Балки,— деб иккиланди Шарифбой ака.

Кунлар ўтди. Отасидан хавотир бўлган Олимжон дам олишга чиқиш буйруғини олишгача аранг чидади. Эрталаб жўнашга ҳозирлик кўраётган эди, завқли табассум билан худди йигитлардек гурсиллаб қадам ташлаб Шарифбой ака Одамбой ака билан кириб келди. Шуниси қизиқ эдики, илгари беш кило нарсани кўтариб беш одим босолмайдиган отанинг бир қўлида бир саноч қимиз, бир қўлида бир халта ёнғоқ. Олимжон суюниб, уни қучоқлаб олди. Қизил тортган юзларига қайта-қайта боқди. Олимжоннинг ҳайратига Одамбой ака изоҳ берди:

— Ўғлим, мен ота-боболардан қолган ҳикматли ишга солдим—дўлана гулидан чой дамлаб, гиёҳларга аралаштириб шўрвага солдим, қимиз ичиравердим. Мана бир ойда сен кўр-мен кўр; на кўз тинади ва на юрак ўйнайди. Табиат—табиб, дейдилар, ўғлим.

# «Ақлли» ака билан «аҳмоқ» ука

Бир ота-онадан туғилган ўн фарзанднинг ўн хил бўлганидан ўйланиб қоласан киши. Айниқса Холиқжон билан Толибжонларнинг ҳатти-ҳаракатлари қўни-қўшниларнигина эмас, қариндош-уруғларни ҳам ажаблантиради. Улар на уйланишга розилик беришади, на меҳнатга меҳр қўйишади. Ота-она оҳ-воҳ билан оламдан ўтганидан кейин Холиқжон майшат, ўйин-кулгига, Толибжон бўлса китоб ўқишга муккасидан кетди. Унинг учун тонг отмаса, бирон кимса ҳалақит бермаса. Холиқжон эса гоҳ қаҳвахонадан, гоҳ ресторанлардан чиқмаса, қўлидан шароб, қучоғидан жонон тушмаса.

— Эй, укажоним!— деди тонг отарда уйига кайф билан кириб келган ака китоб ўқиётган укасининг тепасига келиб. — Сен ўзинг ҳаёт лаззатини, ҳаёт маъносини тушунасанми, йўқми?

— Тушунаман, ака. Сиз емоқ, ичмоқ учун яшаяпсиз, тўғрими?

— Тўғри. Сен-чи?

— Мен яшаш учун ейман, келажак учун яшайман.

— Кечирасан-ку аҳмоқ экансан. Қилтириқ бўлиб яшайвер!

«Аҳмоқ» ука кулиб қўйди. «Ақлли» ака маишатини давом этдираверди. Ҳаш-паш дегунча ака буқа бўйин, қанор гавдага айланди. Орадан ҳеч қанча муддат ўтмай ҳаракатсиз еб-ичиш ўз оқибатини кўрсатди—акани ёстиқ тортди. Жигарга қилинган даво қанд касалининг душмани, қон босимига қарши кўрилган чора юракни ўйнатди. Охири Холиқжон ётса туролмайдиган, турса юролмайдиган бўлиб қолди. Емоқ, ичмоқ учун туғилган акага на врач ва на табиб чора тополди.

Ана шундай кунларнинг бирида «ақлли» ака қўлидаги газетага тикилганича ҳовлиқиб «аҳмоқ» укани ёнига чорлади:

— Ҳў, Толиб! Бизнинг фамилиямизда, ҳатто сенинг исмингдаги бир одам янги китоб учун лауреат бўпти-я! Сен уни танийсанми?

— Ҳа, танийман. Сиз ҳам танийсиз, ака.

— Ким экан у?

— Менман ака. «Аҳмоқ» укангиз.

— Сен?! Қанақа китоб ёзгансан? Кўрсат-чи!

Толибжон токчадаги қизил муқовали каттагина китобни олиб кўрсатди. «Ақлли» ака анқайиб қараб қолди.

# Юз тилла

Абдукаримбой шахмат ишқибози. Ўзи ҳам ёмон ўйнамайди. Ёмон ўйнамайдию, ютса ютқазганни мазах қилиб қаҳқаҳа уради. Шу сабабли бугун Мушфиқийни икки бор мот қилиб, росаям авжига чиқди.

— Сиз бойвачча, сал ўпкангизни босиб олинг. Агар мен астойдил ўйнасам, сизни ҳам, сизни қолдириб юрган Маҳсумни ҳам ирғишлатиб қўяман, ҳа, шундай.

— Йўғ-э! Пича пастроқ тушинг! Уни ўзи ҳеч бир ютганингиз борми, шуни айтинг?

— Бор. Ютган вақтим бўлган.

— Қаранг-а! Унда битта шарт қўяй: эртага ўйин бошланади-а? «Хўш?» деди Мушфиқий. Бойвачча давом этди: — Агар уни уч ўйинда бир галгина ютсангиз, мен сизга юзта ўн сўмлик тилла ташлайман.

— Ютқазсам-чи?

— Агар ютқазсангизми... Ютқазсангиз юз кун хизматкорим бўласиз, айтганимни қиласиз, отбоқарим, югурдагим бўласиз.

— Демак, хўрлайсиз? Мени қул қилиб қорнингиз яна ҳам қаппайиб ёрилгундек бўларкан-да! Демак, мени қийнайсиз.

— Билганимни қиламан — юз кун қул бўласиз, вассалом. Қалай, яна ҳам чилчўп бўлиб кетишдан қўрқмайсизми?

Мушфиқийнинг кўз олдида умрида кўрмаган бир халтача олтин товланди. «Қўрқяпсиз-а?» — деб қитиқлади бой.

— Розиман! Шартнома тузамиз!— деди Мушфиқий дадил.

Шартнома тузилди. Ҳар иккаласи бармоқ босишди. Бирон кишига айтмасликка, ҳатто ўйин пайтида индамасликка сўз берилди.

Ўйин бошланди. Шартномадан бехабар Маҳсум менсимай, ғинғиллаб туриб, яхши ўйнай бошлади. Мушфиқийнинг ҳаёли олтинда. Унинг доналари яхмалакда юрган, тақаси сийқаланган отдек чайқалиб турибди. Шунда у столни чертиб, инглизчалаб, «фифти», «фифти» деб қўйди. «Бу «эллик» деган сўзни фаҳмлаган Маҳсум «Ҳозир боплайман» деди-да, хатога йўл қўйди. Бундан фойдаланган Мушфиқий «Яшавор!» деб руҳини, сўнг филини қурбон қилиб, мотга эришди.

Юз тиллани икки шахматчи элликтадан бўлиб олишганини анқов бойвачча сезмасди. У фақат тилини тишлаб қолаверди...

Ёқубжон ШУКУРОВ.

